• КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

5-йил чиқиши.
1 ОКТЯБРЬ 1970 й
ПАЙШАНБА
№ 232 (1601)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугун БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ СЎНГГИ ИЛИ ТЎРТИНЧИ КВАРТАЛИ БОШЛАНДИ. СЕНТЯБРЬ МЕҲНАТ ЭСТАФЕТАСИНИ ОКТЯБРГА УЗАТДИ.

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборган шаҳар саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотларининг коллективлари ўтган ойда самарали меҳнат қилдилар. Тўққиз ойлик планга қўшимча ўттиз миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари планга қўшимча халқ хўжалиги учун жуда кўп зарур буюмлар ишлаб чиқардилар.

Шу куннинг муҳим вазифаси суръатни янада оширишдан иборат. Янги ойнинг биринчи кунидан бошлаб унумли ва сифатли ишлашга эътиборни қаратиш лозим.

— Сентябрь ойи ва юбилей йилининг ўтган тўққиз ойидаги ишлар қандай якунланди? Октябрь ойининг биринчи кунида қандай меҳнат қилинди? Мухбирларимизнинг ана шу саволларига бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари берган жавобни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА — ОКТЯБРЬ

ЗАРБДОР ОЙ!

С. ИСЛОМБЕКОВ,
ХИМИЯ-ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИНИНГ ДИРЕКТОРИ

Коммунистик партиямизнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракати барча ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларда кенг қулоч ёйди. Заводимиз меҳнатчилари, инженер-техник ходимлари шаҳар саноат корхоналари ўртасида биринчилар қатори ана шу ҳаракатга қўшилган.

Фитохимия цехи, таблетка цехи, ампула цехи, ўсимликлардан томчи дорилар тайёрлаш ва бинт цехининг ишчи-хизматчилари юбилей йилида фидокорона меҳнат қилиб, ажойиб ютуқларга эришмоқдалар.

Биргина сентябрь ойининг ўзидагина планга қўшимча қирқ минг сўмлик, жами бир миллион эллик минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Бугун беш йилликнинг сўнгги квартали бошланди. Шу кварталда ҳар жиҳатдан юбилей йилида қилинган меҳнатга якун ясалади. Буни яхши тушунган коллектив октябрь ойини зарбдор ойлик, деб эълон қилди. Бу завод ишчилари олдида улкан вазифалар турибди.

Куни-кеча, олтмиш кишилик коллектив Сирдарё областидаги Охунбобоев номли колхозга жўнаб кетди.

Ишлаб чиқаришда қолганлар касбдошларининг нормаларини бажариш учун астойдил бел боғладилар.

Бугун

Москва областига, Қарағанда, Кустанай, Ленинобод шаҳарларига қирқ олти минг сўмлик турли хил дори-дармонлар юборилди. Шунингдек, Кубага эллик минг ампула дори жойланган контейнер жўнатилди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш Бошқармаси коллективи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажарди. Беш йилликка мўлжалланган иқтисод ҳамда қурилиш-ремонт ишлари плани шу йил 1 сентябрдаёқ адо этилган эди.

Бошқарма меҳнатсеварлари йил охиригача яна бир неча ўн минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилдилар.



«Узбексельмаш» заводининг кенг қаторли чигит экиш сеялкалари тайёрлаш участкаси.

СУРАТДА: Б. Сорокин бошлиқ пешқадам йиғувчи-слесарлар навбатдаги сеялкаларни тайёрлашяпти. Бундай сеялкалар қардош Озарбайжон, Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиё республикалари пахтакорларига кўплаб жўнатиб турилибди.

М. Нуриддинов фотолари.

Мажбурият бажарилади

А.БАРАБАШИН,
ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИНИНГ БОШ ИНЖЕНЕРИ

Бугун бурчларини шарафли адо этдилар.

Сўнгги уч ойда «Т28Х-4 тракторидан беш минг та, тўққиз ярим минг та тўрт тоннали прицеп, бир юз ўн бешта етти тоннали ярим прицеп тайёрланди. Деҳқончар машинасозлардан планга қўшимча юзлаб минг сўмлик техника ва ускуналар олдилар.

Ой охирида коллективнинг КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбурияти қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Тўғрисини айтганда, рақамлар бизни қувонтирди. Мана барча цехларда иш бардавқт бошланди. Смена бошлангандан сўнг, ярим соат ўтар-ўтмас, йигув конвейерларидан навбатдаги трактор ва прицеплар туша бошлади, цехлар бўйлаб эҳтиёт қисмлар ортган аравачалар ҳар томонга йўл олди. Булар йилнинг йили Октябрь ойининг дастлабки маҳсулотлари саналади. Завод коллективи биринчи кунданоқ планни ўринли бажарди.

Утган сентябрь ойида тракторсозлар зўр меҳнат қилдилар ва учинчи кварталга яхши якун ясадилар. Ватан олдидаги

Ой охирида коллективнинг КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбурияти қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Тўғрисини айтганда, рақамлар бизни қувонтирди. Мана барча цехларда иш бардавқт бошланди. Смена бошлангандан сўнг, ярим соат ўтар-ўтмас, йигув конвейерларидан навбатдаги трактор ва прицеплар туша бошлади, цехлар бўйлаб эҳтиёт қисмлар ортган аравачалар ҳар томонга йўл олди. Булар йилнинг йили Октябрь ойининг дастлабки маҳсулотлари саналади. Завод коллективи биринчи кунданоқ планни ўринли бажарди.

Утган сентябрь ойида тракторсозлар зўр меҳнат қилдилар ва учинчи кварталга яхши якун ясадилар. Ватан олдидаги бурчларини шарафли адо этдилар.

Сўнгги уч ойда «Т28Х-4 тракторидан беш минг та, тўққиз ярим минг та тўрт тоннали прицеп, бир юз ўн бешта етти тоннали ярим прицеп тайёрланди. Деҳқончар машинасозлардан планга қўшимча юзлаб минг сўмлик техника ва ускуналар олдилар.

Ой охирида коллективнинг КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбурияти қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Тўғрисини айтганда, рақамлар бизни қувонтирди. Мана барча цехларда иш бардавқт бошланди. Смена бошлангандан сўнг, ярим соат ўтар-ўтмас, йигув конвейерларидан навбатдаги трактор ва прицеплар туша бошлади, цехлар бўйлаб эҳтиёт қисмлар ортган аравачалар ҳар томонга йўл олди. Булар йилнинг йили Октябрь ойининг дастлабки маҳсулотлари саналади. Завод коллективи биринчи кунданоқ планни ўринли бажарди.

Утган сентябрь ойида тракторсозлар зўр меҳнат қилдилар ва учинчи кварталга яхши якун ясадилар. Ватан олдидаги бурчларини шарафли адо этдилар.

Сўнгги уч ойда «Т28Х-4 тракторидан беш минг та, тўққиз ярим минг та тўрт тоннали прицеп, бир юз ўн бешта етти тоннали ярим прицеп тайёрланди. Деҳқончар машинасозлардан планга қўшимча юзлаб минг сўмлик техника ва ускуналар олдилар.

Ой охирида коллективнинг КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбурияти қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Тўғрисини айтганда, рақамлар бизни қувонтирди. Мана барча цехларда иш бардавқт бошланди. Смена бошлангандан сўнг, ярим соат ўтар-ўтмас, йигув конвейерларидан навбатдаги трактор ва прицеплар туша бошлади, цехлар бўйлаб эҳтиёт қисмлар ортган аравачалар ҳар томонга йўл олди. Булар йилнинг йили Октябрь ойининг дастлабки маҳсулотлари саналади. Завод коллективи биринчи кунданоқ планни ўринли бажарди.

Утган сентябрь ойида тракторсозлар зўр меҳнат қилдилар ва учинчи кварталга яхши якун ясадилар. Ватан олдидаги бурчларини шарафли адо этдилар.

Сўнгги уч ойда «Т28Х-4 тракторидан беш минг та, тўққиз ярим минг та тўрт тоннали прицеп, бир юз ўн бешта етти тоннали ярим прицеп тайёрланди. Деҳқончар машинасозлардан планга қўшимча юзлаб минг сўмлик техника ва ускуналар олдилар.

Ой охирида коллективнинг КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбурияти қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Тўғрисини айтганда, рақамлар бизни қувонтирди. Мана

Йил бошида, планга қўшимча, саккиз юз минг сўмлик маҳсулот беришга қарор қилинган эди. Сентябрь ойининг бошидаёқ, топширилган ташқари берилган маҳсулотлар етти юз етмиш минг сўмга етибди. Планга қўшимча, конвейерлардан бир юз ўттиз бешта трактор, бир юз ўн бешта прицеп ва йигирма саккизта пахта ташийдиган автопоезд туширилди.

Машинасозлар КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига ана шундай амалий иш билан жавоб беришмоқда.

Янги техника шарофати

Г. ИЛДОШЕВА,
«УЧҚУН» ТУҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРИЯ ФИРМАСИНИНГ ДИРЕКТОРИ

Баъзи корхоналар борки, план кетидан қувиб, маҳсулот сифатини эътибордан четда қолдиришади. Натижада, тайёр маҳсулотлар реализация қилинмай, тўпланиб қолиши ёки рекламация келиши мумкин.

Фирмамизда иш бошқача йўлга қўйилган. Ойлик план топшириқларини ошириб адо этиш билан маҳсулот сифати қаттиқ контроль қилиб борилади. Шу туфайли, шнур ленталарни ва донали буюмларни юқори сифатда топшириш планда белгиланганидан 0,3 процент, бадиий гул солиб ишланган буюмларни 2.2 процент оширишга муваффақ бўлинди.

Айниқса, техника тараққиётига ва янги технология асосида ишлашга катта маблағ ҳамда куч сарфланмоқда. Шу йилнинг ўзидагина юзлаб эски, унумсиз станоклар ўрнини янги, унумли дастгоҳлар эгаллади. Лента тайёрлаш цехида шундай юқори иш унумли техникалар ўрнатилган эди.

Бугун

янги машиналар тўла ишга туширилди ва дастлабки маҳсулот кийим-кечакларга ишлатиладиган лентлар тайёрлай бошлади. Бундай лентлар енгил саноатимиз учун муҳим хом ашё ҳисобланади. Янги машиналар смена давомида олдинги машиналарда ишлаб чиқарилганидан бир ярим баравар кўп маҳсулот беради.

Янги техника ва технология туфайли, тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажариб, бир юз етмиш олти минг сўмлик қўшимча маҳсулот беришга муваффақ бўлинди.

Октябрь ойида хотин-қизлар шойи рўмолларини тайёрлашда ўн хил янги нусха ишлаб чиқариладиган ва жорий этиладиган, Тўқимачилик цехида замонавий машиналарни монтаж қилиш ниҳоясига етади. Шу цехда тўхтовсиз ишлайдиган тўқув станоги ўрнатиб бўлинади.

Юзга яқин ишчи-хизматчи ҳамшаҳарларимиз қатори пахта далаларига йўл олди. Улар Сирдарё областидаги фирмамиз оталиққа олган «Правда» колхози пахтакорларига ёрдам берадилар. Шу билан бирга, октябрь ойига белгиланган план ҳам муддатидан илгари оширилиб адо этилади ва давлатга бир ярим миллион сўмлик сифатли маҳсулот етказиб берилади.

Партия XXIV съездини янги зафарлар билан кутиб олиш йўлида меҳнат ғайратини ошираётган коллективимизнинг октябрь ойи режалари ана шундай.

ЛЕНИН ЁДГОРЛИГИГА ТУҲФА

Ильичга халқ меҳр-муҳаббатининг чеки йўқ. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бу меҳр-муҳаббат, айниқса, ёрқин намоён бўлган. Кўпдан-кўп экспонатлар ҳам, шу экспонатлардан кўпчилигининг пайдо бўлиш тарихи ҳам ана шундан далолат беради.

Ленинградлик журналист Александр Васильевич Баннов музейнинг ихлосманд ёрдамчиси бўлиб қолди. Аланғали йигирманчи йилларда у Ўзбекистонда ишлаб, шу ерда аввал комсомолга, кейин партияга ўтган. Александр Васильевич ўзи мансуб бўлган авлод Ленининг буюк асарларини жангларда ва меҳнатда қандай қилиб рўёбга чиқарганлигини ёшлар равшанроқ тасаввур этиши учун ўзининг шахсий архивида сақланган азиз ҳужжатларни Тошкентга юборган.

Ленинграддан революция вақтида нашр этилган большевистик газеталарнинг нодир нусхалари олинди. Булар орасида «Ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советининг ахбороти»нинг учинчи сони бор. Бу газета 1917 йилда босилган, шунингдек, «Работница» журналининг ўша йили сентябрь ва октябрь ойларида босилган нусхалари ҳам бор. А. В. Баннов яқинда музейга ҳужжатлар коллекциясини топширди.

Ленин ёдгорлигига ўз туҳфаларини бошқа кўпгина ветеранлар ҳам олиб келиб топширмоқдалар ёки почта орқали юбормоқдалар. Чет эллик дўстлардан ҳам кўпдан-кўп туҳфалар олинмоқда.

Софиядан Болгарияда революцион ҳаракат музейининг директори С. Стойменов Ленин чиқарган «Искра» газетасининг биринчи сонидан эллигинчи сонигача «Титографик копиялари» комплектини юборган. Польша Халқ Республикаси химия саноатининг Тошкентда бўлган мутахассислар делегацияси музей ходимларига «Ленин Польшада» деган китобни топширди.

(ЎзТАГ).



Тошкент астрономия институти илм аҳли само жисмларини ўрганиш устида кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

СУРАТДА: физика-математика фанлари кандидати Исроил Сатторов қуёшнинг физик ҳолатини ўрганиш юзасидан горизонтал қуёш телескопини кузатиш учун тайёрламоқда.

ЮБИЛЕЙГА АТАБ

Тошкентдаги «Ўзбекистон» ва Ғафур Ғулом номли нашриётлар Самарқандининг 2500 йиллигига атаб бир қанча китоблар чиқарди.

Қадимий шаҳарнинг бой тарихига, унинг жаҳонга машҳур меъморчилик обидаларига, шаҳарнинг ҳозирги ҳаётига бағишланган китоблар магазинларга чиқарилди. Самарқанд бўйлаб саёҳат қилувчиларга йўл кўрсатувчи янги китоблар, плакатлар, эсдалик открыткаларининг комплектлари, юбилей букетлари нашр қилинди. Шаҳар босиб ўтган йўлни тасвирловчи линограверюралар альбоми энг охирги янгилик бўлди.

С. Бородин, М. Шайхзода ва республиканинг бошқа ёзувчилари Самарқанд тўғрисида ёзган асарлар қайта нашр этилди.

(ЎзТАГ).

МАШИНАЛАР КАРВОН, КАРВОН...

Бугун **пойтахтнинг барча шаҳарга кираверишйўлларидан машиналар карвони келди.**

—Бугунги деҳқонлар армуғони ҳар кунгидан жуда кўп бўлди,— дейди редакцияга телефон қилган «Ташзаготплодоовощторг» директори ўринбосари О. А. Орипов.— «Оқ олтин» терими авж олган шу кунларда, мириқишлар ҳамшаҳарларимиз учун мўл-кўл сабзавот, мева-чева етказиб бермоқдалар.

Шу куни, 580 тонна сабзавот ,68 тонна картошка, 13 тонна мева, 10 тоннага яқин узум шаҳарликларга армуғон қилинди.

Айни бир пайтда, ҳозиргина Ҳамза товар станциясидан ҳабар беришларича, РСФСР областларидан 20 вагон ёки 750 тонна картошка келтирилган.

Юбилей йилида деҳқонлар шаҳар аҳли учун 41,5 минг тонна сабзавот, 17 минг тонна картошка, 4 минг тонна узум ва бошқа дала нозу-неъматларини инъом қилишди.

Трестимизга қараши 11 магазинда савдо чаққон давом этяпти.

ОКТЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Октябрь ойида Тошкент области бўйича ҳавонинг ўртача ҳарорати 10—15 даража иссиқ бўлиши кутилади. Аммо ҳаво тез-тез ўзгаради: жуда иссиқ кунлар совуқ кунлар билан алмашиб туради. Ойнинг биринчи ўн кунлигида ёзгидай иссиқ, қуруқ ҳаво бўлиши кутилмоқда. Айниқса, 5-8 октябрларда кундузи —28-33, кечаси — 13-18 даража иссиқ бўлади.

Худди шунингдек, охирги беш кунликда ҳам ҳаво исийди. Бу вақтда термометр кечаси 0-5, кундузи 13-18 даража иссиқни кўрсатади. 24-28 октябрларда ҳарорат сезиларли даражада пасаяди: кечаси — 0-5 даража совуқ, кундузи — 5-10 даража иссиқ бўлади. Иккинчи ва учинчи ўн кунликда ҳаво булутли бўлиб туради, тез-тез ёмғир ёғади. Кўп йиллик тажрибага кўра, одатда октябрь ойида ёғин миқдори 17-20 миллиметрни ташкил қилади. Бу йил эса у нормадан бир оз ортиқроқ бўлиб, 40-60 миллиметрга етади.

Г. ЯУШЕВА,
катта инженер-синоптик.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ МАВСУМ

Кеча **республика қўғирчоқ театри ўттиз биринчи мавсумини «Ҳасан бахт изловчи» спектаклини қўйиш билан бошлади.**

Театрнинг юбилей йили репертуарида «Фотиманинг саргузаштлари», «Гўзал Василиса», «Қуёнжон» каби спектакллар бор. Шу билан бирга, «Семурғ» ва «Африкалик меҳмон» сингари саҳна асарлари ҳам пойтахтлик ёш томошабинлар диққатига ҳавола қилинади.

Кичкинтойларнинг севимли театри ҳар галгидек, шаҳар мактабларида, пионер саройларида ва боғчаларда ўз томошалари билан мухлисларини хушнуд этади.

ТИКУВЧИЛАР ЁРДАМИ

Якшанба куни эрталаб шаҳар кўчаларидан ўтган киши шнор ва байроқчалар билан безатилган ўнлаб автобусларнинг кетма-кет тизилишиб кетаётганининг гувоҳи бўлди.

Шаҳримиздаги 2-тикув фабрикаси ишчилари ва инженер-техник ходимлари икки дам олиш кунини Янгийўл райони далаларида ўтказишди. Улар икки кунда 10 тоннага яқин «оқ олтин» теряб эл хирмонига тўкишди.

КОМБИНАТИМИЗ ҲАШАРЧИЛАРИ

Ватанга 4.400000 тонна пахта берамиз

Жонажон партиянинг яқинлашиб келаётган XXIV съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлаган комбинатимиз коллективи пахтакорларга яқиндан ёрдам беришни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билади. Шунинг учун ҳам, коллективимиз теримчилар группаси шанба ва якшанба кунлари Ўрта Чирчиқ районига бориб турибди. Пахта йиғим-терими бошланганидан буён, улар Энгельс номли, Терешкова номли колхоз меҳнаткашларига ёрдам бериб келяптилар. Ўтган шанба ва якшанба кунлари ҳам ана шундай бўлди. Азамат теримчиларимиз Ф. Энгельс номли колхоз далаларидан 1450 килограмм «оқ олтин» териб беришди.

Биз ўзимизнинг бу ватанпарварлик ишимизни бундан буёнги шанба ва якшанба кунлари ҳам давом эттирамиз.

Неъмат РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Ҳамза районидаги ёғ-мой комбинати ишчиси.

МАДАДКОРЛАР

Республиканинг 4 миллион 400 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонига ҳисса қўшиш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий ходимлари ҳам ҳашарга йўл олишди. Улар Сирдарё областининг Пахтаорол райони кумуш далаларида деҳқонларга мадад беришади.

Бугун

Академиянинг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ходимларидан бир группаси шу районнинг «Ленин йўли» колхозида пахта теришга киришдилар.

Куни-кеча Фанлар академиясининг иқтисод, тарих ва археология, президиум ва «Фан» нашриётидан 200 га яқин ҳашарчи «оқ олтин» далаларига йўл олишди. Ҳар бир мададкор камида бир кунда 60-100 килограммдан кумуш тола териш мажбуриятини белгилади.

Тошкентликлар ҳиссаси

ФУТБОЛ

РЕВАНШ ОЛОЛМАДИЛАР

Кеча Руминия ва Швейцарияда Европа совринлари учун футбол учрашувлари бўлиб ўтди. Бухарестда Львов шаҳрининг «Карпати» командаси Кубок эгалари Кубоги мусобақаларида маҳаллий «Стяуа» клуби билан учрашди. Совет футболчилари ўз майдонларидаги мағлубият учун ревanш ололмадилар. Ўйин 3:3 ҳисоби билан дуранг бўлди. Миккала ўйин натижаси бўйича румин спортчилари фахрли совринн учун курашни давом эттирадилар.

Мамлакатимиз чемпиони — Москва спартакчилари ҳам муваффақиятсизликка учрадилар. Европа чемпионлари Кубоги учун биринчи учрашувда улар Швейцариянинг «Базель» командаси устидан 3:2 ҳисоби билан галаба қозонган эдилар. Жавоб ўйинда дуранг натижа ҳам спартакчиларни қониқтирарди .Аммо бундай бўлмади. «Спартак» 1:2 ҳисоби билан мағлубиятга учради.

Учрашувнинг биринчи ярмида ўз дарвозаларини дахлсиз тута олган спартакчилар иккинчи таймнинг бошларида икки тўп ўтказиб юбордилар. Ягона жавоб тўпини ўйин тугашига олти минут қолганда команда капитани Хусаинов киритди.

Европа қитъасининг фахрли совринлари учун кураш бу йил ҳам совет командаларисиз давом этади.

2.000.000 тонна пахта — пишиқ!

● КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — амалда

«ТОШКЕНТ» ТРАКТОРИ ДАЛА КЕЗАДИ

РЕПОРТАЖ

Кечки пайт «1-Пскент совхозининг дала шийпонига пахтакор ва механизаторлар йиғилиб, қизғин гурунг бошлашди. Кимдир хирмонга янги газеталар олиб келди. Уз-ўзидан партиямизнинг бўлажак XXIV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари ҳақида, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги янги алоқалар тўғрисида суҳбат бошланиб кетди.

Л. И. Брежневнинг КПСС МК июль Пленумида қишлоқ хўжалик механизаторлари учун тайёрланадиган машина ва механизмларнинг миқдоригагина эмас, балки уларнинг сифатига ҳам асосий эътибор бериш лозимлиги ҳақидаги сўзларни механизаторлари нинг дилидаги гап бўлиб чиқди.

— Ҳа, бизга энг яхши техника воситалари керак, — деди трактор чилардан бири. Улар ҳам кучли бўлиши керак, ҳам қулай бўлиши лозим.

Шу пайт қишлоқ йўлида келаётган трактор моторининг овози қулоққа чалинди. У ҳамманинг эътиборини ўзига тортди-қўйди.

Йигитлардан бири трактор олдига бориб, унинг тамтасини қизиқиш билан томоша қиларкан, «Тошкент» трактори экан, деб қўйди.

Ҳа, «ТТЗ» маркали тракторнинг совхозга юборилган дастлабки тажриба нусхасини дала меҳнаткашлари ана шундай қувонч билан кутиб олдилар. «Тошкент» — яқин келажакдаги машинадир. У «Т-28Х4» маркали тракторга қарағанда қатор афзалликларга эга.

Ҳаммадан ҳам унинг кабинаси ҳайдовчи учун жуда қулай. Кабина герметиклашган бўлиб, ҳавони мўътадил қилиб туради. У ҳайдовчини иш пайтида ҳар хил заҳарли химикатлардан ҳам асрайди. Янги кабинада трактор моторининг шовқини кулоққа чалинмайди.

Бу трактор — Батанимиз тракторсозлигида янгиликдир. Ўзбекистон ва бошқа пахтакор республикаларнинг иссиқ шароитига мослаштирилган ана шу трактор бир неча ҳафта ишлаган совхоз механизаторларининг унга берган баҳоси жуда юксак.

— Биз анчадан бери ана шундай машина ҳақида ўйлардик, — деди кўпчиликнинг фикрини ифодалаб механик-ҳайдовчи М. Тошматов. — Уни бошқариш қулай. Ишчи жойнинг комфортабеллиги жуда бизга ёқиб тушди. Бундан, айниқса, механизатор қиз-жувонлар мамнун бўлишади. Пахтакорлар учун мана шундай трактор жуда зарур. Бизнинг шаҳарлик биродарларимиз — машинасозлар ана шундай машиналарни тезроқ ишлаб чиқаришса, нур устига нур бўларди!

Яқинда дала шийпонига заводнинг «Тошкент» тракторининг тажриба нусхасини синашда иштирок этаётган конструкторлардан бир группаси келишди. Улар ўзлари билан бирга институт лабораторияларида тракторнинг янги кабинасига берилган жиддий баҳолар ҳақидаги хабарларни олиб келишди.

Завод маъмурияти завод ветеранларига муваффақиятли ишлаб чиқаришларни учун барча шароитларни яратиб берди. Устахоналар, тажрибали механизаторлар, ремонтчилар билан, уй-жой билан уларни таъминлашди. «1-Пскент» совхозининг механизаторлари янги машинани синаш ишларида ўз ҳиссаларини қўшганликларидан ғоят фахрланадилар.

Ғўза қатор ораларига ишлов берилганда «Тошкент» тракторининг «Т-28Х4» тракторига нисбатан меҳнат унуми 5—7 процентга ортиқ эканлиги ҳам маълум бўлди. Бу — яхши гап.

Заводнинг сиповчи-тракторчиси Р. Йўлдошев «Тошкент» тракторини ҳайдашни совхознинг бир группа механизаторларига бажонидил ўргатмоқда. Механизаторларнинг ўқуви ёмон эмас. Чунки улар яқинда энг биринчилар қаторида «Тошкент» трактори рулига ўтириб, кейин ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатадилар. Ана шу орзиқиб кутилган кунларга оз қолди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — «ТРАКТОРОСТРОИТЕЛЬ» газета редакцияси мухбирлар коллективи.



Коммунистик меҳнат зарбдори Ольга Чуконова Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқимачилик комбинатининг ветеран ишчиларидан бири. Бу меҳнатсевар аёл комбинатнинг 2-йигирув фабрикасида ўн етти йилдан буён ишлайди. Шу кунларда бу зарбдор ишчи 1971 йил топшириқларини адо этишга киришмоқда.

● Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

ЖАМОАТЧИ

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, улар ўзи учун эмас, кишилар учун яшайди. Ўз умрини эл ташвишига, халқ ишига бағишлайди. Оғир вазиятларда Ватанига, юртига содиқлик қилади. Хайрли иши, самарали хизмати билан халқ ҳурматини, Ватан эътиборини қозонади. Шу ҳурмат ва эътибор унга бир умр куч-қувват манбаи бўлади. Дарҳақиқат, у қариб-қартайганда ҳам тиниб-тинчимайди. Доим эл-юрт ғамхўрлиги, кўпнинг ташвиши билан бўлади. Бундай олийҳиммат кишилар хайрли хизматлари билан тириклигидаёқ ўзига мангулик қайғали яратадилар.

Жўрабек ота ана шундай табаррук инсонлардан. Отани кўпчилик, айниқса, ички ишлар органларининг ходимлари жуда яхши билишади. Негаки, ота ўзининг йигитлик кучини, қалб қўрини ғоят оғир ва масъулиятли, киши ҳаёти учун хавфли, тасодифларга тўлиқ ишга — ички ишлар хизматига бағишлади. У 1918 йилда биринчи кўнгилли отлиқ милиция отрядига аъзо бўлганда, ҳали ёш йигит эди. Жўрабек Ниёзмуҳамедович роппароса ўттиз олти йил ички ишлар органларида хизмат қилди, оддий милиционерликдан милиция майори даражасигача бўлган қийин, лекин шарафли йўлни босиб ўтди. У босмачиларга қарши курашда, ҳар хил душман элементлардан ёш Совет ҳокимиятини ҳимоя қилишда катта жасорат кўрсатди, доим қизил милициянинг олдинги сафида борди. Ундаги қўша-қўша орден ва медаллар, ўнлаб Фахрий ёрлиқлар шу самарали хизматлар нишонасидир. Отанинг ГПУ, НКВД ва МВД системаларида узоқ йиллар давомида босиб ўтган шонли ҳаёти ҳақида махсус китобчалар ёзилган. Бу китобчаларда унинг биринчи ўзбек милиционерлари вакили сифатида хавфли вазиятларда кўрсатган қаҳрамонликлари тавсиф этилган. Шунинг учун, биз бу ўринда отанинг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеаларни ҳикоя қилмоқчи эмасмиз. Биз ҳурматли газетхонларни табаррук отахонимизнинг фақат бугунги ҳаёти билан яқиндан таништирмоқчимиз, холос.

Одатда, киши қартайгач, пенсияга чиқади. Унга узоқ йиллар давомида халқ, давлат манфаати йўлида қилган самарали хизматлари эвазига давлат томонидан муайян миқдорда доимий нафақа белгиланади. Кўпчилик отахон ва онахонларимиз пенсияга чиққанларида ҳам жамоат ишидан қўл узишмайди. Ҳоли етганча эл ғамхўрлигига аралашиб туради. Жўрабек ота ҳам шу йўлни тутди.

1963 йили уни Бектемир посёлкаси жамоатчилиги Қумовул маҳалла комиссиясига раис қилиб сайлашди. Шу-шу, ота маҳалла озодалиги, кўркамлиги ва намунали тартиб учун жонкуярлик қила бошлади. Маҳалла аҳолисининг кучи, тегишли идораларнинг кўмаги билан йўл-йўлаклар ранвонлаштирилди, тош-шағал ва асфальт ётқизилди. Ота маҳалла территориясини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берди. Ҳар куз ва баҳорда бу ишга катта-кичиккина жалб қилди. Икки йил ичида кўчалар, йўлаклар ва ариқларнинг бўйларига, жамоат биноларининг атрофига йигирма минг туп ҳар хил дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу кўчатлар бугун катта дарахт бўлиб, бутун маҳаллага соя бераяпти, мевалиларидан эса сават-сават олма анор, узум, нок ва бошқа хил неъматлар терилаяпти. Маҳалла кўркига кўрк қўшиб турган бўлиқ дарахтларни «Жўрабек отанинг дарахтлари» деб аташади бу ердагилар.

Дарвоқе, хайрли иш кишиларнинг эсида бир умр қолади.

Жўрабек ота икки йил катта бир маҳалла аҳлига бош бўлди. Шу даврда ҳар бир хонадон билан сирдош, маҳалланинг иссиқ-совуғига шерик бўлди.

Олтмиш бешинчи йилда отага янада масъулиятлироқ жамоат иши топширилди. У Ўрта Чирчиқ район халқ контроли комитети шикоятлар бюросининг раиси қилиб сайланди. Бу ишда унга ички ишлар системасида кўп йиллар давомида орттирган бой тажрибаси жуда қўл келмоқда. Ота меҳнаткашлардан тушган ҳар бир ариза ва шикоятни синчковлик билан кўздан кечиради, талон-торожлик, қинғирлик ҳақида жойлардан тушган сигналларга ҳозир жавоблик қилади. Фикримизнинг исботи учун фактларга мурожаат қиламиз.

Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 1-ПМК бошлиқлари Бектемир посёлкасида уч қаватли уй қуришда хўжасизликка йўл қўяётганликлари, қурилиш материаллари талон-торож қилинаётганлиги ҳақида ишчилардан халқ контролига хабар келди. Жўрабек ота ариза бўйича текшириш уюштиришга киришди. Бектемир посёлка Советининг бухгалтери В. А. Харитонова, «Ташобжилвод» стройтрестининг прораби А. Я. Рябов ва Жўрабек ота Остоновнинг ўзидан иборат комиссия тузилади. Текширишда аризада келтирилган фактлар тўлиқ тасдиқланди. Айбдорларга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Шикоятлар бюросига тушган иккинчи бир ариза эса, Ремонт-монтаж бошқармасининг бошлиқлари Уртасарой сельпосидан бошқарма учун сотиб олинган телевизор ва радиоприёмникни ўзаро келишиб, ўзлаштириб кетганлиги айтилган эди. Жўрабек ота ариза юзасидан дарҳол текшириш уюштиради. Бу гал ҳам текширишда фактлар тасдиқланиб, айбдорлар жазоланади, телевизор ва радиоприёмник эса бошқарма идорасига қайтарилади.

Ҳа, кекса коммунист Жўрабек ота Остонов етакчилик қилаётган халқ контроли шикоятлар бюроси жамоат мулкининг даҳлсизлигини таъминлашдек шарафли ишда катта ишлар қиладётир.

Жўрабек отанинг халқ назоратчиси сифатидаги хизматлари ҳам муносиб тақдирланди. У «СССР Халқ контроли органларида фаол ишлагани учун» значоги билан мукофотланди. Узбекистон ССР Халқ контроли комитети томонидан ҳам мукофотга пул ва соат берилди.

Отанинг жамоатчилик фаолияти кўп қиррали. У кўп йиллардан бери посёлка ва қишлоқ советларига депутат қилиб сайланиб келинади. Ҳозир ҳам Охунбобоев қишлоқ советининг депутати.

Маълумки, депутат — халқ хизматкори. Жўрабек отани депутатлар хонасида тез-тез кўрасиз. Ота бирор юмуш юзасидан у ёки бу киши билан суҳбатлашиб ўтирган бўлади.

...Бир куни отанинг ҳузурига Аҳмад исмли ишчи кириб келади. У посёлканинг Пролетарий кўчасидан уй қураман деб бўш жой олганини ва жойни ҳужжатлаштириб ўз номига ўтказганини, аммо у иш билан банд бўлиб юрганда, Қуйликда яшовчи бир киши шу жойга ўзбошимчалик билан уй қуриб олганини айтади. Ота депутат сифатида бу масала билан астойдил шуғулланади. Натижада, бировнинг номига ўтган жойга ўзбошимчалик билан уй қурган кишидан жарима ундирилади. Жойни қатъий ҳал қилиш масаласи эса халқ судига ҳавола қилинади.

Жўрабек ота 1966 йилдан бери посёлкадаги Чернишевский номли ўрта мактаб ота-оналар комитетининг раиси ҳамдир. У бу борада ҳам кўпгина хайрли ишлар қилмоқда.

Жўрабек ота — кекса коммунист. У 1919 йилдан бери партия аъзоси. Отахонимиз эллик йилдан буён шу юксак номни оқлаб келаяпти.

Яқинда, Бектемир посёлкасининг Навоий кўчасидаги 7-уйда — Остоновлар ҳовлисида катта тантана бўлди. Унда партия, совет ва ички ишлар органларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, кекса коммунистлар қатнашдилар. Улар Жўрабек отани 75 ёшга тўлиши билан чин юракдан муборакбод қилдилар. Юбилярга Узбекистон Ички ишлар министрлигининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ҳа, халқни сийласанг, у ҳам сени эъзозлайди, қафтига кўтаради. Ахир, халқ ҳурматини қозонишдан ҳам ортиқ бахт борми кишига.

Ш. СИДДИҚОВ,
А. ХАЛЯВИН.



Тошкент экскаватор заводининг экспорт участкаси юбилей йилида қардош социалистик мамлакатлар учун 120 та экскаватор тайёрлаб бериш мажбуриятини олган. Участка машинасозлари топшириқларни шараф билан адо этмоқдалар. Яқинда қардош Венгрия Халқ Республикаси ҳамда Чехословакия Социалистик Республикаси учун беш тадан янги экскаватор жўнатилди.

СУРАТДА: тайёр маҳсулот жўнатиш бригадаси ишчиларидан Виктор Плетский ва Василий Пипиков янги экскаваторни темир йўл платформасига ўрнатмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Бизга ёзадилар

ЭРКАТОЙЛАР ГУЛШАНИ

Пойтахтдаги соя-салқин ерга жойлашган 43-ясли Киров район боғча яслилари ўртасида ўзининг озодалиги, тарбиячиларнинг жонкуярлиги билан ота-оналар олқишига сазовор.

Бу ерга қирқинчиғиз билан анвойи гулларнинг ҳиди димоғингизга уриларди. Чақчақлашиб юрган ўзбек, рус, грек, арман, тожик, татар каби ўнлаб миллат болаларини бир аҳил оиладек ўйнаб-кулаётганларини кўриб қувонасиз. Шунинг учун ҳам бу ерда тарбияланаётган 155 боланинг ота-оналари ўз фарзандларидан доим кўнгли тўқ.

Бу ерда тажрибали коммунист Раъно Аҳмедова мудирлик қилмоқда. Тарбиячилардан Жамила Ибодова, Христина Зидровская, Муҳайё Тошмуҳамедованинг ота-оналар ҳурмат билан тилга олишади.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

Бир оила фарзандларидек

Улар ўз бригадаларини «интернационал» коллектив деб аташади. Бу ерда ишлаётган бригада аъзолари кўп миллатли мамлакатимиз фарзандларидир. Масалан, Ҳамид Қурбонов ўзбек тилида қўшиқ айтса, Н. Казарян арман куйларини ҳиргойи қилади, В. Хижин эса, қандайдир қувноқ татар қўшиғини айтиб узоқ ўлка ўрмонларини эслаётгандек бўлади. Ю. Патахонов, И. Рижков — рус ўғлонлари. Бу ерда украин қизи В. Хужина ўз умр йўлдоши билан ишлайди. Р. Юмакаев билан Н. Нигматулин ҳамиша бамаслаҳат иш қилишади.

Бригадани бошқариш эса, арман фарзанди Г. Камолянга топширилган. У ҳам бригада бошлиғи, ҳам мастер, ҳам прораб, ҳам участка бошлиғи вазифасини бажаради.

«Темир иродали» деган ном олган бригада аъзоси собиқ танкчи, ҳозир эса, автогрейдерни бошқаради. Иван Степанович Рижков шундай кишилардан. У автогрейдерни бошқаради. Уни ишда кўрган киши эллик етти ёшга кирганига ишонмайди, — ҳамиша ҳаракатда. Гоҳ асфальт тақисласа, гоҳ ҳозиргина асфальт олиб келган шоферлар ҳужжатига қўл қўяди. Асфальтни мустаҳкамлайдиган Юмакаевга ва автогрейдерчиларга кўргазма беради. У ҳамиша шахсий меҳнати билан бошқаларга намуна кўрсатишга одатланиб қолган.

Бригада аъзолари бу ташкилотда беш-етти йилдан буён ишлашади. Бригада бошлиғининг ўзи эса, ўн етти йилдан буён ишламоқда. Намунали меҳнатлари учун «Аълочи» нишони олган. Кўпгина Фахрий ёрлиқлар, пул ва бўюмлар билан тақдирланган.

Бригада бошлиғининг интизоми ва бригада аъзолари билан муомаласи мени ҳайратга солди. Унинг ёнида соатлаб бирга бўлсам-да, биронта ёмон сўз эшитмадим. Ҳамма нима қилиш зарурлигини жуда яхши билади. Бригада бошлиғининг кўргазмаси улар учун қонун. Шу туфайли, бу кичик коллективга коммунистик меҳнат бригадаси номи берилган.

Мен бригада бошлиғидан пешқадамларни сўрадим. У эса, ҳамма бир хилда ишлайди, бизда дангасалар йўқ, — дея жавоб берди.

Бригада аъзоларининг ярмидан кўпи саккизинчи ва тўққизинчи синфни тугаллаган. Фақат Қурбоновагина ўнинчи синфни тамомлаб келган. Ҳаммаси оилали, бола-чақали одамлар. Бригада бошлиғи Камолянниинг уч фарзанди бор. Уччаласи ҳам турли институтларда ўқийди.

Менинг кўз олдимда планлаштириш бўлими бошлиғи Аляшева тасдиқлаган ойлик план турибди. Улар бир ой мобайнида тўрт минг тонна асфальт ётқизишлари лозим. Бу асфальт шаҳарнинг турли объектларида, турли қурилиш бошқармаларида ётқизилиши керак. Улар кундалик нормани ортиғи билан бажаришмоқда. Шунинг учун ҳам, улар иш ҳақини кўпроқ олишаётганига ҳайратланишнинг ҳожати йўқ.

Мен Қурбоновдан дам олиш кунлари нима билан шуғулланишини сўрадим. У эса газета ўқиши, телевизион программани томоша қилиши, болалари билан бирор жойга бориб уларни сайр қилдириши тўғрисида гапирди.

Бригада йўлга асфальт ётқизишни тугатди. Трактор заводи қошидаги янги мактаб территорияси кафтдек текис бўлди. Ҳозир улар йигирма олтита йирик панелли уй атрофига асфальт ётқизишмоқда. Бу уйларда завод ишчилари истиқомат қилишади.

Камолян ҳозир ишлари жуда кўп эканлиги тўғрисида гапиради. Бир нечта корпус атрофига асфальт ётқизилиши керак. Бунинг учун, ғайрат қилиш зарур. Ҳатто, Сибирдан келган Патахонов ҳам бригадага ёрдам бериш учун ўз меҳнат отпускасидан воз кечди. «Кейин, кейин, иш енгиллаганда дам оламан», — деди Юрий менга.

Суҳбат вақтида Рижков менга шундай деди: «мен ўз автогрейдерим билан кўпгина бригадаларда ишлаганман. Аммо бундай иноқ коллективни сира кўрмаганман.

159-қурилиш трестига қарашли Г. Камолян бошқараётган бригада аъзолари бир оила аъзоларидек иноқ ишлашлари натижасида, шундай ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

А. РУЧИС.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Корхонанинг иккинчи навқиронлиги

НУКУС. Нукус гишт заводининг қуввати корхона реконструкция қилингандан кейин икки баравар ортди. Бир кеча кундузда корхона 130 минг гишт пиширадиган қувватга эга. Иккинчи тунель печь фойдаланишга топширилди. Вакуум пресси бор бўлган автоматик уқладчикнинг ўрнатилиши ҳар бир сменада саккиз кишини бошқа ишга ўтказишнинг имконини берди. Энди гишт қўйишда илгаригига қарағанда қарийб икки баравар киши кам қатнашмоқда.

Бухоро оловкорларининг ҳиссаси

«Бухаранефтегаз» бирлашмасининг коллективи Ўрта Осиё — Марказ, Бухоро — Урал ва Бухоро — Тошкент — Фрунзе пўлат магистраллари бўйлаб тўққиз йиллик планга қўшимча равишда икки юз миллион кубометр табиий газ жўнатди. Бирлашма меҳнатчилари КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб 5 декабрга қадар беш йиллик планни бажариш ва халқ хўжалигига планга қўшимча равишда камида бир миллиард 850 миллион кубометр табиий ва йўлакай чиқадиган газ етказиб бериш тўғрисида олинган мажбурият олишди.

Совхозда дашт шаҳарчаси

ТЕРМИЗ. Шеробод даштидаги энг ёш қўриқ хўжаликлардан бири — 5-совхозининг марказий чорбоғида янги дашт шаҳарчасини барпо этиш учун дастлабки пойдевор ётқизилди. 26-трестнинг 52-кўчма механизациялаштирилган колоннаси қурувчилари уй-жойларни монтаж қилишга киришдилар.

Янги посёлкани беш йилда қуриш мўлжалланади. Бу посёлкада тўлқувурлар учун 54 минг квадрат метр уй-жой, шунингдек, мактаб, клуб, кинотеатр ва бошқа маданий маиший аҳамиятга эга бинолар қурилади.

(ЎзТАГ).

Ёркатой посёлкасида фабрика қурилди

НАМАНГАН. Ёркатой посёлкасида область маҳаллий саноат бошқармасининг янги пиллакашлик фабрикаси ишга туширилди. Бесонсой посёлкасида ҳам ана шундай фабрика битай деб қолди.

(ЎзТАГ).

● КИТОБ ЖАВОНИГА

Ирода шундай тобланади

Китоб бизнинг дўстимиз, суҳбатдошимиз, энг яқин маслаҳатгўйимиздир. Билим, иқтидор ва ҳаёт ҳодисаларини тушуниб олиб, онгни ўстиришнинг энг мўътабар ва ишончли манбаи ҳам китобдир.

Мана шу бебаҳо хазина, ақл-идрокни «чархловчи» нодир воситанинг бирини кунма-кеча олиб, ҳузур қилиб ўқидик. Бу, атоқли олим-педагог Петр Петрович Зиминнинг «Ирода тарбиясини тўғдириш» номли монографиясидир.

«Ўқитувчи» нашриёти чоп этган бу китоб «Ирода нима?», «Ирода сифатлари», «Ирода ўстириш» бобларидан иборат бўлиб, ҳар бир боб «Ҳаракатларнинг мотив ва мақсадлари», «Ироданинг физиологик асослари ва ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари билан боғлиқлиги», «Ирода ва билимлар», «Мақсадга интилиш», «Чидамлилик, сабр-тоқат», «Ботирлик», «Мақсадга интилиш ва истакни рўёбга чиқариш», «Ўз кучига ишониш» каби 30 га яқин муҳим, қизиқарли проблемалар хусусида ғоятда таъсирчан мисоллар воситасида ҳикоя қилинади.

Китоб жуда ўқимишли ва қизиқарли, ҳаётий фактларга бой. Ҳар бир педагог, ҳар бир ота-она, ҳар бир совет граждани ўқиши, ўз ҳаётида амал қилиши шак-шубҳасиз зарур бўлган бу масалалар бола тарбияси билан қизиқувчиларни ҳушнуд этди.

«Мардлик кучли ироданинг юксак кўринишидир. Шахснинг фазилати ҳисобланувчи мардлик тушунчаси ўз ичига кўп маъноларни қамраб олади. Олий мақсадларни кўзлаб иш кўрувчи, ўз олдига қўйган мақсадига эришишда қатъийлик, вазминлик, саботмаконат, чидамлилик, бардошлилик, мустақиллик ва дадиллик кўрсатувчи кишини биз мард киши деб атаймиз».

Қандай ажойиб, ҳақиқоний таъриф!

Бу таърифга жуда кўп ва қаяжонли мисоллар воситасида изоҳланиб тушунтириладики, китобхон ўз ҳаётини фақат мардлик —мустаҳкам ирода асосига қуришга қатъий аҳд этиб кўяди ва буни астойдил дилига тугади.


«Иродани ўстириш» боби, айниқса, қизиқарли ва мароқли, таъсирчандир .«Одамнинг мақсади аниқ бўлса, —деб ёзади автор, — у дадиллик билан иш кўради ва самарали натижаларга эришади. Аниқ мақсад уни қийинчиликлар билан курашга руҳлантиради. Агарда мақсад ноаниқ, мужмал бўлса, бошқа мақсадлар билан тез-тез алмашиниб, ўзгариб турса, у ҳолда кишининг хатти-ҳаракатлари фойда бермаслиги мумкин».

Бу ерда шуни айтиш керакки, муаллиф ҳар бир қимматли фикр, мулоҳаза ва йўрикларини «қуруқ» баён қилмайди, балки ажойиб мисоллар келтиради.

Хуллас, улуғ педагог К. Д. Ушинский таъкидлаганидек: «Ироданн тарбиялаш керак. Одам ғалабаларга эришиш йўли билан ўз иродасини мустаҳкамлайди. Нимаининг устидан бўлса ҳам ироданинг ҳар бир ғалабаси кишининг ўз ахлоқий кучига ишончини оширади».

Бу китобнинг, айниқса, янги ўқув йили бошланиши арафасида нашрдан чиқарилиши ва тарқатилиши кўп сонли педагог-тарбиячиларни ҳушнуд этди.

С. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Т. АШРАФХОНОВ.



СУРАТДА: Энгельс кўчасида қад кўтарган «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг янги ишлаб чиқариш корпуси.

Р. Абдураҳмонов фотоси.



Тошкентдаги Ильич номли синов-механика заводи иттифоқимизнинг тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари учун янги техника намуналари тайёрлаб берувчи йирик корхоналардан биридир.

СУРАТДА: шу заводнинг йигув-механика цехи ишчиси слесарь Николай Васильевич Новохацкий. У кунлик нормани 120 130 процент қилиб адо этмоқда.

Ҳ. Шодиев фотоси.

Буюк боболаримиз

МИРЗА ҒОЛИБ

Маълумки, 1526 йили Темурнинг авлоди — Захириддин Муҳаммад Бобир Ҳиндистонни эгаллаб, ўз сулоласи — бобирийлар сулоласини ўрнатди. Ўша даврда Ҳиндистон билан Арабистон, Эрон ва Афғонистон шунингдек, Ўрта Осиё билан алоқа кенгайган эди. Айниқса, маданий алоқаларнинг ривожланишига туртки берувчи савдо алоқалари кенг тараққий этган эди. Янги адабиёт зудлик билан тараққий эта бошлади. Мусулмон ва ҳинду-лар архитектураси услубларининг бир-бири билан ўзига хос бирикмаси пайдо бўлди. Санъатда ҳам ана шундай ҳол кўринади.

Адабиёт, тарих, фалсафа, санъатнинг энг гуллаган даври Бобирнинг набираси шоҳ Акбар ҳокимлиги даврига тўғри келади. Акбар даврида (1556—1605 й) бобирийлар сулоласи шарқда Бенгалиядан ғарбда Қандахоргача ҳамда жанубда Вижанурдан, шимолда Ҳимолайгача ёйилган эди. Хулласи калом, тарқоқ ҳинд княлигининг бирлашишидан ташкил топган бобирийлар сулоласи Ашока давридаги давлатга тенг келиб қоларди. Бундай бирлашиш туфайли мамлакат бир мунча тараққий этган эди.

Ҳиндистонда мусулмонлар истилоси бошлангандан кейин эрамизнинг VIII асрида Ажамда* пайдо бўлган суфий оқим тезда Ҳиндистонга ҳам тарқалди. Ҳиндистон бўлаб минглаб суфийлар ўз таълимотларини тарғиб қилиб юрган бир пайтларида ҳукмрон доиралар маҳаллий халқни ислом динини қабул этишларига мажбур қилиб келаётган эдилар. Лекин Ҳиндистонни забт этган кишиларнинг ҳаммаси мусулмон бўлишларига қарамай, Ҳиндистондаги қадимги фалсафий оқимлар, жумладан, Веданта таълимоти таъсиридан холи бўлиб қола олмадилар. Айниқса, суфийларга мутаасиб ҳинд метафизика мактабларининг асосини ташкил этган Веданта таълимоти кўп жиҳатдан суфийлар таълимоти билан бир хил эди.

Ислом динини зўрлик йўли билан тарғиб этишдан ташқари, ҳиндулар таълимотини ислом билан бирлаштиришга кўп ҳаракат қилганлар. Масалан, Акбар шоҳнинг ўзи Ҳиндистондаги мусулмон ва ҳиндуларни бирлаштириш учун ислом ва ҳиндуизмдан ўзининг «дини илохия» таълимотини яратади.

Ота-бобом касб-кори — деҳқончилик азалдан
Самарқанд фуқароси — деҳқон қарогиданман.

Асадуллахж 5 ёшга тўлганда отаси Мирза Абдуллахон 1802 йили бир жангда ҳалок бўлади. Отадан етим қолган икки ўғилни, яъни Мирза Абдуллахон билан Мирза Юсуфхонларни амакиси Насруллобек ўз тарбиясига олади. Орадан тўрт йил ўтгач, Насруллобек вафот этади. Ғолиб кейинчалик онасининг отаси хўжа Ғулом Ҳусайн қўлида таълим-тарбия олади.

Шоир 1850 йили подшо Боҳодиршоҳ Зафар саройида шоҳ шоири бўлиб хизмат қилади. Унга ҳатто подшо «Наҳмуд давлат, Дабирул мулк, Низоми жанг»** деган унвонларни беради. Шоҳ Баҳодир унга «Темурийлар сулоласининг тарихини» ёзишни буюради. Мирза Ғолиб китобнинг биринчи қисми — «Меҳри нимрўз»ни ёзиб тугатади .Бу асарда Мирза Ғолиб Темурийлар давридан то Ҳумоюнгача*** бўлган тарихий воқеаларни тасвирлайди.

1854 йили Баҳодиршоҳ Ғолибни ўзининг яқин шоири қилиб тайинлайди. Айрим ғолибшунослар, мусаннифлар Асадуллахонни сарой шоири деб аташган. Моддий жиҳатдан қийналган, руҳий тушкунликка тушган Ғолиб ночор саройда хизмат қилишга мажбур бўлади. Лекин шоҳ саройидаги тубанлик, разиллик, кабиҳлик, айёрлик каби жирканч иллатлар Ғолибда газаб ва алам уйғотади.

1857-59 йилларда бўлиб ўтган ҳинд халқининг кўзғолони инглизлар томонидан ёвузларча бостирилгандан куйиниб «Достонбў» деган тарихий асар ёзади. Бу асарида шоир қўзғолон воқеаларини, ва унга бўлган ўзининг қарашларини ифода этди. Инглиз босқинчиларига жирканч билан қараб, уларнинг афти-ангорини ўз шеърларида очиқ-ойдин тасвирлайди.

Мирза Ғолиб 1869 йили 15 февралда 72 ёшида Деҳлида вафот этди. Шоир келажак авлодга ўзининг «Девони Ғолиб» (урду тилидаги шеърлар мажмуаси) «Урду муалла», «Мактубе Ғолиб», «Хатлар» тўпламн каби асарларини қолдиради.

Мирза Асадуллахон ҳинд ва Шарқ классик адабиётининг дурдоналари билан, ислом фалсафаси билан, тарих, риёзат каби илмлар билан шуғулланган ва шуларга оид қатор китобларни мутолаа қилган.

Ғолибнинг таниқли шоир даражасига кўтарилишида, айниқса унинг инсон ва инсонпарварликни кўкка кўтарувчи бир минг саккиз юзга яқин, чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган байтлар тўплами катта роль ўйнайди.

Ғолиб ҳақгўй, камтарин, инсонпарвар, жонкуяр, ватанпарвар инсон бўлганлиги учун тараққийпарварлик, ростгўйлик, келажакка ишонч каби ғоялар унинг ижодининг лейтмотивини ташкил этади.

Буюк донишмандининг дунёқараши айниқса, «Хатлар» тўпламида яққол кўринади. Ў хатларда даврнинг муҳим масалалари ҳақида ўз қарашларини баён этади ва чуқур фалсафий хулосалар чиқаришга интилади. Аммо у объектив идеализм позициясида турганлиги сабабли табиат ва жамиятдаги содир бўлаётган ҳодисаларни материалистик нуқтаи назардан ҳал қила олмайди. Бунинг асосий сабаби унинг муҳит ва давр билан чегараланганлигидадир.

Ғолиб олам ҳақида фикр юритар экан, бизнинг онгимиздан ташқарида реал, объектив дунё бор, уни билиш ҳам мумкин, дейди. Бизлан ташқарида дунё бор, лекин айни шу пайтнинг ўзида дунё йўқ, чунки у мутлоқ ҳолиқнинг аксидир дейди. Мутлоқ ҳолиқнинг акси майда заррачалардан яъни атомлардан иборат, дейди Ғолиб. Гарчанд унинг фикрича заррачалар онгимизда бўлса ҳам, ҳаракат қилиши, бўйсуниши йўқолиши мутлоқ руҳга боғлиқ, дейди.

Ғолиб гарчанд ўзини мутлоқ руҳдан қандайдир парда (тўсиқ) ажратиб туриши ҳақида гапирса ҳам, у дунёни билишни истарди. У барча нарсада гоҳ ўзини, гоҳ оллоҳни кўрарди.

Дунё менинг олдимда мисоли ўйинчоқ
Тун ва кун бизнинг хаёлимиздадир,
Сулаймон тахти-мисоли тамоша
Исо мўъжизаси — мисоли сўздир.

Бу ерда Ғолиб барча содир бўлаётган нарсалар оллоҳнинг акси, нури дейди.

Шундай қилиб, Ғолиб бошқа сўфий-пантеистлар каби ҳақиқатни билмоқ учун мутлоқ руҳ ичида ғарқ бўлишни истарди.

Аммо шоир динга кўр-кўрона эргашган, эски урф-одатлар, бидъатларга тобе бўлиб қолган кишилар устидан куларди: дин пешволари қўйлайдиган охират, жаннат каби нарсалар инсонлар онгини заҳарловчи афъюн, уйдирма деб ватандошларини ишонтиришга даъват этади.

Жаннатнинг нималиги бизга маълум
ва лекин
Кўнгилни хуш тутгали, Ғолиб, бу
хаёл яхши.

деса, иккинчи бир шеърида шундай куйлайди:

Жаннатнинг қадри бўлса, бор бир нарса
туфайли,
У ҳам бўлса муаттар, хушбўйгина
шаробдир.

Ғолиб ердаги ҳақиқий ҳаётни жаннатдаги боғу эрамдан афзал кўради.

Асадуллахон инсонни инсондан диний, мазҳаб, миллат тўсиқлари билан ажратишга қарши чиқади. Инсон қандай динга ёки мазҳабга мансуб бўлмасин у энг аввало инсондир. Мана шу инсонни улуғлайлик, кўкларга кўтарайлик дейди. У ўзининг бир хатида шундай ёзганди:

«Мен инсонни севаман ва ҳурмат қиламан. У хоҳ мусулмон, хоҳ ҳинду, хоҳ христиан динига мансуб бўлмасин — барчаси менинг биродарларим!» — дейди.

Гарчанд Ғолиб зодагон оиладан чиққан бўлса ҳам унинг онги ва қалби янги ҳаётга чорларди.

Мирза Асадуллахон ўз шеърияти келажак авлод қалбида туғён уражагига ишонди. Чиндан ҳам Мирза Ғолиб буюк мутафаккир, шеърият майдонида ғолиб чиққан, жаҳон шеърият хазинасига дурдона асарларини қўшган, оламшумул шуҳрат жиғасини ҳақли равишда тақкан Шарқнинг улкан шоиридир. Ҳиндистон, Покистон халқлари қатори биз ҳам бу буюк шоир ва мутафаккир ватандошимиз билан фахрланамиз.

С. НЎЛДОШЕВ.

Аурангзеб ҳокимлигидан сўнг бобирийлар сулоласи парчаланиб кетди. Феодал тарқоқликдан фойдаланган Европа босқинчилари: биринчи бўлиб португалликлар, кейин голландлар ва французлар Ҳиндистонга бостириб кирдилар.

Кейинчалик инглиз босқинчилари ўзларининг барча рақибларини енгиб чиқариб, ўзлари улкан Ҳиндистоннинг хўжайини бўлиб олдилар.

Буюк мутафаккир, улкан адиб Мирза Асадуллахон Ғолиб дунёга келганида, бобирийлар сулоласининг қуёши ботай-ботай деб турганди. Кейинчалик бу қуёш сўнгач, оммани икки томонлама эзиш кундан-кунга кучайиб борди.

Кейинчалик мазлум ҳинд халқи босқинчи инглизларга қарши бош кўтарганида, адабиётда ҳам шу ҳол рўй берди. Тарихда сипойлар қўзғолони деб ном олган миллий озодлик ҳаракати авж олган бир пайтда шеърият майдонида Мирза Ғолиб ўзининг ўткир қалами билан отилиб чиқди.

Шарқ поэзиясининг улкан намояндаси, Ҳиндистон, Покистон умуман, Шарқ халқларининг севимли шоири; буюк мутафаккир Мирза Асадуллахон Ғолиб 1797 йили қадимги Акбаробод, ҳозирги Агра шаҳрида зодагонлар оиласида дунёга келди. Мирза Ғолиб Шарқ классик поэзиясининг бобоколонлари: Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Амир Хисрав, Ҳофиз, Саъдий Шерозий, Мирза Бедил қаторидан муносиб ўрин эгаллаган шоирдир.

Муҳаммад Иқбол Мирза Ғолибни Ғарб классик поэзиясининг улкан намояндаси Гёте билан тенглаштириб, урду поэзиясининг сўнмас юлдузи деб атайди.

Ҳиндистон ва покистонлик мутафаккир ва адибларнинг тили билан айтганда Мирза Ғолиб классик поэзияни янги замон поэзияси билан боғлаган, Шарқ классик поэзиясининг дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган буюк шоир ва мутафаккирдир.

Бу буюк адиб билан фақат Ҳиндистон ва Покистон халқлари фахрланиб қолмай, балки Ўрта Осиё халқлари ҳам чин қалбдан фахрлансалар арзийди. Мирза Асадуллахон Ғолибнинг авлод-аждодлари самарқандлик туркларидан бўлиб, буваси, шоир набираси дунёга келишидан ярим аср илгари Самарқанддан Ҳиндистонга кўчиб келган эди.

Ўзбек қавмидан чиққан бу улкан шоир ва мутафаккирнинг катта буваси Турсунбекхон салжуқийлар қавмига мансуб, Самарқанддаги кўзга кўринган амирлардан эди. Буваси Қўқонбекхон эса ўз отаси билан қаттиқ айтишиб, аразлагач, 1730 йили ўз ватанини тарк этиб, Ҳиндистонга боради. Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шоирнинг бобоси Қўқон шаҳрида яшаганлигини эътироф этмоқда. Қўқонбекхон Ҳиндистонда Бобирийлар сулоласининг сўнгги ҳокими шоҳ Олам паноҳида ҳарбий лавозимга тайинланади. Бу ҳарбий лавозимни унинг ўғли Абдуллахонбек яъни Мирза Ғолибнинг отаси ҳам давом эттиради. Бу ҳақда шоир ўзининг бир шеърида шундай дейди:

Аскарлик — юз пуштимиздан ота-бобо
касбимиз
Менга иззат-икром фақат шоирлигидан
эмас.

Мирза Ғолибнинг ҳақиқий исми Мирза Асадуллахон. Ўзи ота-боболарининг келиб чиқиши Ўрта Осиёнинг кўҳна Самарқандидан эканлигини фахр билан тилга олиб, бир шеърида шундай дейди:

Ғолиб, ўзим муқаддас Турон
тупроғиданман,
Билсангиз таги-тахтим, иқбол
қучоғиданман.

*.Ажам — Эрон деган маънони англатади.
**. Давлат юлдузи .мамлакат мирзоси, қўмондон.
***. Хумоюн — Бобирнинг ўғли.

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон жамоатчилиги АҚШнинг Яқин Шарқдаги агрессив сиёсатига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқда. Ҳиндистон пойтахтининг неча минглаб кишилари кеча: «Никсон сиёсатига лаънат», «Янкилар, Яқин Шарқдан қўлингни торт!», «Йўқолсин Америка империализми!» деган шиорлар билан Америка элчихонаси биноси олдига келишди.

Намойиш қатнашчилари АҚШнинг Ҳиндистондаги элчихонаси вакилларига топширган меморандумда бундай дейилган: «Ҳиндистон жамоатчилиги Араб халқларининг ўз озодлиги йўлидаги одилона курашини қўллаб-қувватлайди. Биз Америка ҳукуматининг Исроил агрессорларига ҳомийлик қилиш сиёсатини кескин қоралаймиз ва бу сиёсатга дарҳол чек қўйилсин деб талаб қиламиз».

(ТАСС).

Ёшларнинг бирлашган ташкилоти

ПРАГА. Шу кунларда Чехословакиянинг турли шаҳарларида Чехословакия йигит-қизлари бирлашган ташкилоти — Социалистик ёшлар ташкилотининг область таъсис конференциялари бўлиб ўтмоқда. Социалистик ёшлар союзининг Прага шаҳар конференцияси ўз ишини тамомлади. Конференцияда Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Прага шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Капек нутқ сўзлади. Конференция раҳбар органларни сайлади, ЧКП Марказий Комитетига, шунингдек ,совет ёшларига табрикномалар йўлланди.

Ўрта Чехия, Жанубий Моравия, Жанубий Чехия, Шимолий Моравия, Шарқий Чехия, Ғарбий Чехия областларида социалистик ёшлар союзининг таъсис конференциялари бўлиб ўтди. Делегатлар ҳузурида ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, ЧКП Марказий Комитетининг секретари А. Индра, ЧКП Марказий Комитети Марказий контроль-ревизия комиссиясининг раиси М. Якеш, Чехословакия Халқ армияси Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи В. Горачек, Чехословакия Социалистик Республикасининг юстиция министри, Чехословакия —Совет дўстлиги Иттифоқи Чехия Марказий Комитетининг раиси Я. Немец, ЧКП Марказий Комитетининг Чехия областларидаги партия ишига раҳбарлик бюросининг аъзоси Д. Кольдер, бошқа партия ва давлат арбобларн нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЛИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА

БУДАПЕШТ. (АПН махсус мухбири) Ҳозир Венгрияда Африканинг ривожланаётган мамлакатларидан бир неча юз студент таълим олияпти. Уларнинг республика олий ўқув юртларида қандай таълим олаётганликлари ҳақида Венгрия Халқ Республикаси маориф министрлиги ташқи алоқалар бошқармаси бошлиғи Л. Хазан гапириб берди:

— Африка мамлакатларидан келган дастлабки студентлар бизнинг олий ўқув юртларимизга бундан ўн йил аввал қабул қилинган эди. Эндиликда бизнинг республикамизнинг элликдан ортиқ университет ва институтларида шу мамлакатлардан келган йигит ва қизлар таълим олишяпти. Уларнинг тўртдан уч қисми техника ва медицина факультетларини танлашди. Биз дуч келган асосий қийинчилик, меҳмонларни венгер тилига ўргатиш бўлди, наинки ҳамма фанлар шу тилда ўқитилади. Бизнинг педагогларимиз дарс бериш методикасини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдилар. Африкалик студентлар мана шу методика ёрдамида тилни бир йил мобайнида анча дуруст ўрганиб оладилар. Лекин венгер тилини ўрганиш бир йиллик тайёрлов курсини битиргандан кейин ҳам икки йил давом эткизилади.

Бизнинг ўқитувчиларимиз имтиҳон пайтида чет эллик студентларни «сийламаслигинга» қарамасдан улар орасида ўзлаштирмовчилар кам.

— Бироқ, — деб таъкидлайди Л. Хазан. — Бизнинг талабаларимиз мустақил ҳаётга қандай тайёрланганликлари, албатта, имтиҳонларда эмас (у қай даражада қаттиқ бўлишидан қатъий назар), балки ватанда танланган мутахассислик бўйича меҳнат қилганларида намоён бўлади. Ёш мутахассислар кетган мамлакатлардан хабар беришларича, улар бу синовдан ҳам яхши ўтишаяпти.



Сомали Демократик Республикаси. Социалистик мамлакатлар Сомали Республикасига миллий кадрлар етиштиришда ёрдам беришяпти. Республиканинг касалхона ва клиникаларида ишлайдиган врачларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда таълим олишган.

СУРАТДА: Совет Иттифоқида таълим олган врач Маймуна (ўнгда) ва ГДРда таълим олган Муҳаммад Аҳмад Ҳасан Могадишо шаҳридаги касалхоналардан бирида беморни кўздан кечиришяпти.

ЦБ — АПН фотоси.

Дўстлик уйлари

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида совет меҳнаткашларининг илғор тажрибаларини ўрганиш билан шуғулланаётган беш мингта тўғарак бор .«Германия — Совет дўстлиги номли» деган фахрий унвонга эга бўлган 15 минг коллектив бу ерда ҳар томонлама тажриба айирбошлашнинг ташаббускорлари бўлишди. Германия — Совет дўстлиги жамияти мана шу ажойиб ишларнинг ҳаммасига бошчилик қилмоқда.

Республиканинг энг катта шаҳарларида 22 та Германия — Совет дўстлиги уйлари бор. Германия Демократик Республикаси аҳолиси орасида бу дўстлик уйлари катта эътибор қозонди. Германия Демократик Республикаси пойтахтидаги Марказий дўстлик уйининг ўзигина 23 йилдан бери давом қилиб келмоқда ва шу давр ичида у ўз бағрида 10 миллионга яқин кишини тарбиялади.

Дўстлик уйлари жамиятнинг 28 мингта яқин маҳаллий ташкилотлари олиб бораётган катта, фойдали ишларнинг марказига айланди. Меҳнаткашларни муваффақиятли равишда коммунизм қураётган халқнинг ҳаёти ва иши билан таништирмоқ учун дўстлик уйларининг имконияти катта. Германия— Совет дўстлига жамияти ҳар йили Совет Иттифоқи тўғрисида минглаб докладлар, лекциялар ва суҳбатлар ўтказмоқда. Бу учрашувларда миллионлаб кишилар ҳозир бўлмоқда.

(ТАСС).

КОНДАГИ ФАЛОКАТ

ЛУСАКА. (ТАСС). Замбиянинг Ндола районида жойлашган энг катта Муфулира мис конида ўпирилиш рўй берди, 89 кончи ҳалок бўлди.

Замбия президенти Кеннет Каунда Муфулира руда конидаги фалокат хусусида радио орқали гапириб, мамлакатда 7 кунлик мотам эълон қилди.

Коммунистик якшанбалик

БУДАПЕШТ. Кеча Венгриядаги энг катта корхона—Чепель металлургия ва машинасозлик комбинатида коммунистик якшанбалик бўлиб ўтди. Комсомолларнинг ташаббуси билан ўтказилган бу якшанбалик Венгрия социалистик Ишчи партиясининг бўлажак съездига бағишланди.

Якшанбаликда ёшлар билан бирга кекса авлод намояндалари ҳам қатнашдилар. Салкам 11 минг киши ишга жойларига чиқди. Бир кунда тахминан 15 миллион форинтлик иш бажарилди.

КАМСИТИШГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йорк штатидаги Сиракуза университети шаҳарчасида студентлар билан полициянинг шиддатли тўқнашуви бўлиб ўтди. Бу ердаги ёшлар университет маъмурлари ўтказаётган ирқий камситиш сиёсатига қарши норозилик намойиши ва митинг уюштирдилар. Университет спорт бўлимининг раҳбарлари саккиз негр студентнинг студентлар футбол командаси ўйинларида қатнашувини ҳеч бир асоссиз тақиқлаб қўйган эдилар.

Полиция студентларга қарши кўзни ёшлантирадиган граната ишлатди. Бир неча студент қамоққа олинди.

(ТАСС).

ҚУВОНАРЛИ СТАТИСТИКА

СОФИЯ. (АПН —«София — пресс»). Болгарияда совет саноат молларига бўлган талаб йилдан-йилга ўсмоқда. Мана бир қанча рақам. Ҳозир республикамизнинг беш миллион граждани совет соатларини тақиб юрипти. Ҳар уч телевизорнинг бири ва ҳар етти радиоприёмникнинг битгаси уйларимизга Совет Иттифоқидан келди. 90 мингдан кўпроқ фотоҳаваскор «СССРда ишланган» деган фабрика тамғаси бўлган фотоаппаратга эга. Бизда шундай тамғаси бўлган тикув машиналари ҳам тахминан шунча, болгарларнинг уйларида ўн минглаб совет холодильниги, пилесос ва бошқа шу каби электр асбоблар хизмат қиляпти. Мамлакат йўлларида қардош мамлакатда тайёрланган 90 мингдан кўпроқ енгил автомобиль, 130 минг мотоцикл, тахминан 200 минг велосипед юрмоқда.

Ҳозир Болгария Халқ Республикасига импорт қилиб келтирилаётган саноат молларида СССРнинг улуши қуйидаги процентни ташкил этади: пилесослар-98, тикув машиналари — 89, соатлар 94, телевизорлар — 83, мотоциклар—73 ,енгил автомобиллар —55, уй холодильниклари — 53, радиоприёмниклар —37, фотоаппаратлар — 28 процент. Икки мамлакат ўртасида имзоланган битимга мувофиқ СССРдан халқ истеъмоли молларини Болгарияга экспорт қилиш эндиликда янада кўпаяди.



Жанубий вьетнамлик диктатор Ки: — Адольф Гитлер менинг идеалим!

Америкадаги «Дейли уорлд» газетасидан олинган расм.

ТАСС фотохроникаси.

«Сайгонлик қўғирчоқлар ва уларнинг америкалик хомийлари Жанубий Вьетнамдаги миллий озодлик ҳаракатини бостиришга қасд қилиб, Жанубий вьетнамлик ватанпарварларни ваҳшийна қийнамоқдалар ва азобламоқдалар.»

Иорданиядаги воқеаларга доир

ҚОҲИРА. Бу ерда Иорданиядаги аҳволни нормаллаштириш тўғрисида битим имзоланди. Миср нинг расмий вакили Таҳсин Башир кеча кечаси бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу гапни айтди. У Араб мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг кечаги иккита якунловчи мажлисида Иордания короли Ҳусайн билан Фаластин озодлик ташкилоти Марказий Комитетининг раиси Ясир Арофат иштирок этганлигини ҳам маълум қилди.

Битимда, жумладан, жанжаллашувчи томонларнинг ҳамма ҳарбий операцияларни ва пропаганда кампаниясини дарҳол тўхтатиши, Иордания қўшинларининг Аммондан олиб чиқиб кетилиши, шунингдек, Фаластин қаршилик ҳаракати кучларини Иордания пойтахтидан олиб кетиш кўзда тутилади.

Битимни рўёбга чиқариш учун Тунис Бош министри Бахи Ладхам раислигида махсус комитет тузилди. Фаластин озодлик ташкилоти Марказий Комитетининг вакили билан Иордания вакили шу комитетга киритилди.

Шу ҳужжатни имзолаган Араб давлатлари ва ҳукуматларининг бошлиқлари, уни бузувчи ҳар қандай томонга қарши коллектив чоралар кўрадилар, дейилади битимда.

Битимни Қоҳира кенгашида қатнашган тўққиз Араб давлати ва ҳукуматининг бошлиқлари, шунингдек, Фаластин озодлик ташкилоти Марказий Комитетининг раиси Ясир Арофат имзолашлар. Кенгаш ишида қатнашган Жанубий Яман Халқ Республикаси президентлик Кенгашининг раиси Салом Руббейя шартнома имзоланмасдан аввал кеча эрталаб ўз юртига жўнаб кетган эди.

Иорданиядаги ҳунрезликни тўхтатиш тўғрисида бир битимга эришилганлигини Қоҳира матбуоти Араб мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашининг катта муваффақияти деб баҳоламоқда. Газеталар бу битимни «Араблар дунёсида хавфсизлик ва осойишталик тиклаш кафолати бўлган ҳужжат» ва айни вақтда Фаластин озодлик ҳаракатининг бундан бўёнги фаолиятини таъминловчи ҳужжат деб атамоқдалар.

Шу билан бирга, газеталар Иорданиядаги кескинлик ҳамон давом этаётганлиги хусусида ташвишланиб ёзмоқда.

Шу муносабат билан «Ал-Жумҳурия» газетаси эълон қилган хабарда айтилишича, ўт очишни тўхтатиш тўғрисида бир битимга келинганлигига қарамай, кеча бутун кун бўйи Аммоннинг кўп районларида, шунингдек, Иордания шимолидаги бир қанча шаҳарларда «Шиддатли жанглар бўлиб турган».

Битим шартларини амалга оширувчи махсус комиссия бошлиғи, Тунис Бош министри Бахи Ладхам бугун эрталаб Қоҳирадан самолётда Аммонга учиб кетди. Жўнаб кетишдан олдин у Араб давлатларининг бошлиқлари билан, шунингдек, Фаластин озодлик ташкилоти Марказий Комитетининг раиси Ясир Арофат билан бир қанча учрашувлар ўтказиб, ўзига топширилган вазифаларни амалга оширишга доир масалаларни муҳокама қилди.

Байрутдан олинаётган хабарларга кўра, Фаластин озодлик ташкилоти Марказий Комитетининг қуролли можаро вақтида Дамашқдан ва Бағдоддан берган ҳамда Иорданиядаги мавжуд режимга қарши қаратилган радио эшиттиришлари шу можарони бартараф этиш тўғрисида Қоҳирада эришилган битим муносабати билан тўхтатилган.

ЛОНДОН. Бу ерда олинаётган маълумотларга қараганда, Исроилнинг ҳукмрон доиралари Иорданиядаги воқеаларнинг ривожини диққат билан кузатиб туришибди. Бу доиралар қулай пайтни пойлаб можарога аралашиш ниятида эканликларини яширмаётир.

Шу сабабли Иордания қуролли кучлари билан Фаластин қаршилик ҳаракати ўртасидаги тўқнашувларни тўхтатиш тўғрисида битим имзоланганлиги ана шу доираларнинг хафсаласини пир қилиб, қўйганлиги, улар бундан норози бўлиб, очиқдан-очиқ ташвишга тушиб қолганлиги бежиз эмас.

(ТАСС).

✱ ФУТБОЛ

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАРКИН?

✱ *ҚИЗҒИН «ЖАНГ»ЛАР*
✱ МЕДАЛЛАР КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?
✱ МУҲЛИСЛАР ИШОНЧИ

Ҳафсиламбир ни айтганда, футбол ишқибозларининг яна бошлари қотиб қолди. Улар 1970 йилнинг чемпиони ким бўлишин мумкинлиги ҳақида қизғин танишинг:

Командалар	У.	Т.	О.
«Динамо» М.	25	39—17	34
ЦСКА	24	37—15	32
«Спартак» М.	26	39—21	32
«Заря»	25	25—20	30
«Динамо» Тб.	24	32—20	29
«Динамо» К.	26	28—23	28
«Торпедо» М.	24	25—25	27
«Нефтчи»	24	22—15	26
СКА Р.	25	21—22	25
«Динамо» Мн.	25	27—23	25
«Арарат»	24	22—23	24
«Пахтакор»	26	18—38	22
«Зенит»	25	24—36	20
«Шахтёр»	25	26—45	20
«Торпедо» Кт.	26	18—30	18
«Черноморец»	24	19—33	17
«Спартак» Ор.	25	22—37	15

Ун етти коллектив ўртасида қизғин кураш кетаётганлиги шу жадвалдан ҳам яққол кўриниб турибди. Ҳозир кам деганда 6-7 коллектив чемпионликка даъвогарлик қиляпти.. Москванинг «Динамо» командаси 25 ўйинидан 34 очко тўплаб, мусобақа жадвалида кар вонбошилик қиляпти. Улар рақибларн дарвозасига 39 та тўп киритиб, ўзларидан 17 та тўп ўтказиб юборишган. Совет Иттифоқининг энг кекса ва тажрибали клубларидан бўлган бу команда мавсумда чиройли, ҳужумкор ўйинлар кўрсатиб, муҳлисларини севинтиряпти.

Ўтган турда Марказий Армия спорт клуби командаси Киев динамочиларини мағлубиятга учратиб, муҳим икки очкони қўлга киритди. Илгарилари бу командаларнинг ҳужум линияси кўпроқ таниқли қилинарди. Энди-чи? Бутунлай бошқача манзарани гувоҳи бўласиз. Армиячилар ҳужумга зўр бериб, мана эндиликда, унинг самарасини кўриб турибдилар. Команда ўйинчилари рақиблар дарвозасига 37 та тўп киритишга баҳслашиб, оромларини йўқотишган. Нега дейсизми? Яхшиси, олий лига командаларининг шу кунгача турнир жадвалидаги аҳволи билан танишинг:

«Динамо» М.	25	39—17	34
ЦСКА	24	37—15	32
«Спартак» М.	26	39—21	32
«Заря»	25	25—20	30
«Динамо» Тб.	24	32—20	29
«Динамо» К.	26	28—23	28
«Торпедо» М.	24	25—25	27
«Нефтчи»	24	22—15	26
СКА Р.	25	21—22	25
«Динамо» Мн.	25	27—23	25
«Арарат»	24	22—23	24
«Пахтакор»	26	18—38	22
«Зенит»	25	24—36	20
«Шахтёр»	25	26—45	20
«Торпедо» Кт.	26	18—30	18
«Черноморец»	24	19—33	17
«Спартак» Ор.	25	22—37	15

Ун етти коллектив ўртасида қизғин кураш кетаётганлиги шу жадвалдан ҳам яққол кўриниб турибди. Ҳозир кам деганда 6-7 коллектив чемпионликка даъвогарлик қиляпти.. Москванинг «Динамо» командаси 25 ўйинидан 34 очко тўплаб, мусобақа жадвалида кар вонбошилик қиляпти. Улар рақибларн дарвозасига 39 та тўп киритиб, ўзларидан 17 та тўп ўтказиб юборишган. Совет Иттифоқининг энг кекса ва тажрибали клубларидан бўлган бу команда мавсумда чиройли, ҳужумкор ўйинлар кўрсатиб, муҳлисларини севинтиряпти.

Ўтган турда Марказий Армия спорт клуби командаси Киев динамочиларини мағлубиятга учратиб, муҳим икки очкони қўлга киритди. Илгарилари бу командаларнинг ҳужум линияси кўпроқ таниқли қилинарди. Энди-чи? Бутунлай бошқача манзарани гувоҳи бўласиз. Армиячилар ҳужумга зўр бериб, мана эндиликда, унинг самарасини кўриб турибдилар. Команда ўйинчилари рақиблар дарвозасига 37 та тўп киритишди. Уларидан эса 15 тўп ўтказиб юборишди. ЦСКА 24 ўйинидан 32 очко тўплаб жадвалда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу — 1970 йилнинг олтин медалини қўлга киритиш учун кураш аётган ва унга даъвогарлик қилаётган коллективдир.

Москванинг «Спартак» командаси кейинги 5 ўйинидан 5 очко олиб, ҳозирча учинчи ўринда келяпти.

Ҳаммадан ҳам Ворошиловград шаҳрининг футбол муҳлислари кўвончи чексиз. Чунки, «Заря» командаси бу йил ҳар қачонгидан ҳам мавқеини мустаҳкамлаяпти. Команда 10 ўйиндан бери мағлубият нима эканлигини билмайди. «Заря» кейинги турда ўз майдонида камдан-кам мағлубиятга учрайдиган арман футболчиларини ҳам доғда қолдириб, муҳим икки очкони қўлга киритди. Бу билан команда турнир жадвалидаги мавқеини янада яхшилаб олди ва 4-ўринга кўтарилди. Ҳозир «Заря» 25 ўйинидан 30 очко тўплади. Бу команданинг ярим ҳимоя линияси ҳар қанча мақтовга лойиқ. Хизмат кўрсатган спорт мастери Иосиф Сабо ана шу линияга бошқошлик қиляпти. Бу команда ҳам чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун бутун ғайратини сарфлаяпти.

Грузия пойтахти чарм тўп усталари қатор муваффақиятсизликлардан сўнг, ўтган турда ўз майдонларида Ростов армиячиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, очколар сонини 29 тага етказдилар. Улар 24 ўйинда 32 тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 20 та тўп ўтказиб юборишган.

Футбол ишқибозлари Киевнинг «Динамо» командасини кўпдан бери шу ҳолатда, яъни турнир жадвалининг 6-ўринида кўришмаган эди. Ҳақиқатан ҳам, бу талантли коллектив совет футболининг байроқдорларидан бири бўлиб қолган эди. Эндиликда, команда дагани «кекса» футболчилар ўрнини ёшлар эгаллашяпти .Сўзсиз, улар ҳали айтарли даражада тажрибага эга эмасдирлар. Балки, шунинг учун ҳам, киевлик футболчилар мағлубиятга учраётгандир. Улар кетма-кет 3 ўйинда майдондан бошларини қуйи солиб чиқиб кетдилар.

Мамлакатнинг экс-чемпиони бугун ҳамшаҳарларимиз билан беллашади. Биринчи давра ўйини 0:0 ҳисобида тугаган эди. Хўш, Тошкентдаги ўйинда кимнинг қўли баланд келаркин? Буни бугунги ўйин кўрсатади.

Бугунги кунда кучли ўнликда, шунингдек, Москванинг «Торпедо», Бокунинг «Нефтчи», Ростовнинг АСК, Минскнинг «Динамо» командаларини кўрамиз. Арман ва ўзбек футболчилари эса 11 ва 12 ўринларда туришибди.

Бу ўринда, биз «Пахтакор» командаси ҳақида ҳам гапирмоқчимиз. Командамиз бир ойлик сафардан қайтиб келди. «Пахтакор»нинг Москва, Донецк, Ленинград шаҳарларида ўтказган ўйинлари ҳақида нима деса бўлади? Москванинг «Динамо» ва «Спартак» командалари билан дуранг ўйнаганлиги яхши. Бироқ, мусобақа жадвалининг охирларида келаётган Донецкнинг «Шахтёр» ва Ленинграднинг «Зенит» командаларидан 3:0 ва 2:0 ҳисобида мағлубиятга учраганлиги ўзбек футболчиларига ярашмайди, албатта. Биз командамизнинг нималарга қодир эканлигини яхши биламиз. «Пахтакор» энг кучли командалар билан ҳам бемалол беллаша олади.

Командамиз чемпионат якунигача яна 6 учрашув ўтказади. Шундан 3 тасини Тошкентда учтасини ўзгалар майдонида ўтказади. Ишончимиз комилки, ўзбек чарм тўп усталари қолган ўйинларни янада юксак, кўтаринки рухда ўтказиб, ўз муҳлисларини севинтирадилар.

Мусобақа жадвалининг охирларида бораётган «Зенит» Кутаисининг «Торпедо», Донецкнинг «Шахтер», Одессанинг «Черноморец», Оржоникидзенинг «Спартак» командалари ҳам кейинги ўйинларда анча жонланиб қолдилар. Бу ўз-ўзидан равшан. Ҳеч ким олий лига билан хайрлашишни хоҳламайди. Бир сўз билан айтганда, ҳали чемпион ким бўлиши, қайси коллективлар олий лига билан хайрлашишлари лозимлиги ҳақидаги топишмоқ топишмоқлигича қолляпти. «Жўжани кузда санайдилар», деганлардек, кеч кузда командаларнинг очколари саналади. Шунда, футбол ҳақида соатлаб, ҳатто кунлар давомида бахслашган ишқибозларнинг «Чемпион ким бўларкин?» деган саволига жавоб берилади.

С. ЕҚУБОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг футбол шарҳловчиси.

● «Пахтакор»нинг рақиблари

«Динамо» (Киев)

Бугун

Марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича СССР биринчилигининг навбатдаги тур учрашуви бўлиб ўтади. «Пахтакор» Киев шаҳрининг «Динамо» командасини қабул қилади. Қуйида биз футбол муҳлисларини ҳамшаҳарларимизнинг рақиби — мамлакат экс чемпионлари Киев динамочилари билан таништирамиз.

Мамлакатимизнинг энг кучли коллективларидан бири — «Динамо» (Киев) командаси 1927 йили ташкил этилган. 1936 йилдан бери олий лигада ўйнаётган киевликлар жами 825 учрашув ўтказганлар (бу ҳисобга шу чемпионат ўйинлари ҳам киритилган). Бу ўйинларнинг 353 тасида улар галаба қилишган, 249 ўйини дуранг натижа билан тугаган ва 223 учрашувда мағлубиятга учраганлар. Тўплар нисбати — 1225:992.

Киевликлар чемпионатнинг олтин медаллари билан тўрт марта (1961, 1966, 1967, 1968 йилларда), кумуш медаллари билан беш марта (1936 йилнинг баҳорида, 1952, 1960, 1965, 1969 йилларда) ва бир марта бронза медаллари билан (1937 йилда) тақдирланганлар.

Уч марта СССР Кубогининг эгаси бўлган «Динамо» фахрли соврин учун жами 69 учрашув ўтказган. Бу учрашувларнинг 40 таси галаба билан, иккитаси дуранг билан ва 27 таси мағлубият билан тугаган.

Команда ва унинг ўйинчилари икки марта энг кўп тўп киритган команда учун таъсис этилган Г. Федотов номидаги совринни, беш марта дублерлар учун таъсис этилган совринни, олти марта футбол федерациясининг совринни, тўрт марта «Йирик ҳисоб» совринини, бир марта «Одил ўйин учун» совринини, икки марта «Старт» журнали редакциясининг совринини, икки марта «Агрессив мехмон» совринини қўлга киритган. 1964 йили В. Банников, 1969 йили Е. Рудаков «Огонек» журналининг соврини. 1964 йили О. Базилевич, 1967 йили А. Бишовец энг чиройли гол учун совриндан сўнг 28 очко тўплаб олтинчи ўринни эгаллаб турибдилар. Сўнгги Боку, Одесса ва Москва шаҳарларида ўтказилган уч учрашувдан «Динамо» бир очко ҳам ололмади.

Команда шарафини бу йилги мавсумда дарвозабон Рудаков, ҳимоячилар — Медвидь, Левченко, Белоус, ярим ҳимоячилар — Муntян, Боговик, Трошкин, ҳужумчилар — Бишовец, Пузач, Хмельницкий, Кашкин, Веремеев каби СССР терма командаси составида бир неча марта ўйнаган футболчилар қаторида, ёш, маҳоратли ўйинчилар ҳимоя қилишмоқда.



Нима қилиб қўйдинг?..
Н. Надеждин фотоси.

Ана шундай бой тарихга эга команда бу йилги мавсумни, айниқса, сўнгги ўйинларни жуда суст ўтказмоқда. Ҳозир киевликлар 26 учрашув

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. ДА — 1|X да **Спартак**, 2|X да **Травната.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1|X да **Аяжонларим**, 2|X да **Муҳиш айбнома.**

МУҚИМИЙ номли ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1|X да **Менинг жаннатим**, 2|X да **Елғончи даркор**, 3|X да **Фарғона тонг отгунча.**

Кино

1 ОКТЯБРДА ҚИШКИ БИНОДА

Анупама — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Асунта, бехато от! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Севил — «МОСКВА», (эрталаб соат 11.30 ва кеч 9.20 минутларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 9.40 минутда бошланади)

Гамбурглик матбуот қироли — «ФЕСТИВАЛЬ».

Анупама — «ХИВА».

12 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг илмий совети кенгаши (Куйбишев кўчаси, 14 уйда тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Кетебоева: «Қорақалпоғистон аёлларининг социалистик қурилишда иштироки (1928-1937 йиллар)» деган темада:

С. Ш. Шокиров: «Урушгача бўлган беш йилликлар даврида Қозоғистонда пахтачилик ва пахта тозалаш саноатининг равнақи» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уйда танишиш мумкин.

13 октябрь кундуз соат 2 да Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Педагогика кўчаси, 103 уй, 61 аудитория)да педагогика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ж. Кайрбаев: «Қорақалпоқ мактабларининг биринчи синфларида саводга ўргатиш методикаси» деган темада;

Ж. Палманов: «Ўрта мактабнинг III-IV синф ўқувчиларида ижтимоий бурч ҳиссини тарбиялаш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

13 октябрь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти сабзавотчилик ва ўрмончилик факультетларининг илмий совети кенгаши (Ялонғоч қишлоғи, 60 аудитория)да қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

С. Авезов: «Тошкент области шароитида ширин макжажўхори навларини танлаш ва унинг баъзи бир агротехник масалалари» деган темада;

Р. Г. Носиров: «Мирзачўлнинг Янгиер шаҳри атрофини қўқаламзорлаштириш ва уни яратиш тажрибаси» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе-4)да танишиш мумкин.

13 октябрь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрохимия ва тупроқшунослик факультетининг илмий совети кенгаши (60 аудиторияда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Т. Булатова: «Узлуксиз адмашлаб экиш ва минерал ўғитлар қўллашнинг қадимдан суғориладиган бўз тупроқларнинг баъзи агрохимик хоссаларига таъсири» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе-4)да танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИ

дурадгорлар, станокчилар, пардозловчилар ва прессловчилар тайёрлайдиган икки ойлик курсларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш — Москва шаҳар мебель корхоналарида ўтказилади.

Ўқувчилар стипендия, ётоқхона ва бепул бориш-келиш билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган 18 дан 25 ёшгача бўлганлар ўқишга қабул қилинадилар.

Кирувчилар: ариза, таржимаий ҳоли, паспорт ва ҳарбий билет, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 дона (3х4) фотосурат топширадилар.

Аризалар — 22 октябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Магазин-мавзуи кўчаси 254 уй (10, 43, 56, 14 автобуслар, 7, 10 троллейбусларнинг «Трактор-йигув заводи» бекати).

ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

(Ш. Руставели кўчаси, 25 уй)

Тошкентда истиқомат қилувчи сиртқи бўлим ўқувчиларига маълум қиладики

1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ДОИМИЙ КЕЧКИ

МАШҒУЛОТЛАР

БОШЛАНАДИ

ЧИРЧИҚ АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИ

ГРАЖДАНЛАРГА

1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ «ТОШКЕНТ — БУРЧМУЛЛА» МАРШРУТИ БЎЙИЧА АВТОБУСЛАР «ЧИМЕН» ОРҚАЛИ ҚАТНАШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА «УЗГЛАВИНСТРУМЕНТЗАПЧАСТЬ» ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ БАЗАСИГА

катта бухгалтерлар, бухгалтерлар, кадрлар бўйича катта инспекторлар, секретар-машинистка, машинистлар, юкчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4 уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ЎРГАТИЛГАН АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — РСФСРДА хизмат кўрсатган артист

ВЛАДИМИР БОРИСОВ

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта; кундуз соат 3, кеч 8 да, якшанба кунлари уч марта; кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

ТЕЛЕВИЗОР

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Ҳужжатли фильм. **20.20** Тошкент истиқболи. **Рус тилида: 20.35** «Владимир Первицкий ва унинг дўстлари». Ҳужжатли фильм. **21.10** «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильмнинг 1-сериясн. **22.20** Фильм-концерт.

1 ОКТЯБРЬ ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.30** Болалар учун кўғирчоқ фильм. **18.35** Пахтани ўтдан сақланг! **19.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (Киев). Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси.

Узбек тилида: 20.45 «Ахборот» информацион программаси. **21.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қизлар даврасн», **22.00** Ленинизм — давримизнинг байроғи. **22.15 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА.** «Пахта терими кундалиги».

МОСКВА КУРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Москва) — «ТОРПЕДО». Танаффус вақтида киножурнал. **00.15** «Йигим-терим айни авжида». Озарбайжонда пахта теришнинг бориши ҳақида репортаж. **00.30** СССР Давлат Академик рус хорининг концерти. **02.20** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18.00 Ўқитувчилар учун консультация. **18.30** Сиртдан ўқувчи студентлар учун олий математикадан машғулот. **19.25** Инглиз тилида 1-машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Озарбайжонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига бағишланган телевизион фильмлар. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юлдузча порлайди». **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** «Вақт» информацион программаси.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.30 «Оталар дияри». Бадиий фильм. (Ўзбек тилида).

2 ОКТЯБРЬ ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КУРСАТАДИ

16.20 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.30 «Ахборот» информацион программаси. **18.45** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўринбосарлар». **19.25 ОЗАРБАЙЖОН ССР ВА ОЗАРБАЙЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КУРСАТУВ.**

Узбек тилида: 21.25 «Ахборот» информацион программаси. **21.40** Раҳмат Файзийнинг адабий портрети.

МОСКВА КУРСАТАДИ

23.00 ОЗАРБАЙЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ОЗАРБАЙЖОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ. 00.30 Озарбайжон санъат усталарининг концерти. **01.30** Волейбол бўйича жаҳон биринчилиги финал ўйинлари. Эркаклар. Кўрсатув Болгариядан олиб берилади. **02.40** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **02.50** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА «ДУСТЛИК» ЭКРАНИ ОЛМАОТА КУРСАТАДИ

18.00 Ўқувчилар учун. «Ильич набиралари». **18.25** «Здоровье» телевизион журнали. **18.55** «Сиз ёқтирган куйлар». Ўқитувчилар учун концерт. **19.30** Фактлар, воқеалар, хроника. **19.40** Йигим-терим кунларигн.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.55 Янгиликлар. **20.05** Ўқувчилар учун. «Ленин васиятларига содиқмиз». **20.30** Рангли телевидение. Фильм-концерт. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Эфирда «Молодость». **21.25** «Улар биринчилардан эди». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 «Шамоллар шаҳри». Телефильм.

Рус тилида: 20.20 «Сочи — 69». Фильм-концерт. **21.05** «Форвард ҳамиша олдинда». Ҳужжатли фильм. **21.35** «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильмнинг 2-сериясн.

РАДИО

1 ОКТЯБРЬ ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.10 «Дағистон» радиокомпозицияси (русча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** Бетховен кўйларини тинглаб. **18.00** Озарбайжон ССРнинг 50 йиллиги муносабати билан. «Индустриаль Сумгаит» (Ўзбекча). **18.10** «Итальян скрипкачиси Никколо Паганини». Талабларингизга мувофиқ музикали эшиттириш. **19.20** Татар кўйлари. **20.00 ФУТБОЛ:** «Пахтакор» «Динамо» (Киев). «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади. **20.45** Кўйлар. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Механизаторлар учун концерт. **22.20** Вальслар. **22.40** «Замондошим — қаҳрамоним». Адабий эшиттириш (Ўзбекча). **23.15** Мақом кечаси. «Рост» мақомидан парчалар. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (Ўзбекча). **19.30** СССР санъат усталарининг концерти. **20.00** Тожик халқ қўшиқлари. **20.30** Композитор Г. Мушелнинг камер асарлари. **21.00** С. Цвейг «Муаллима» радиоинсценировкаси (Ўзбекча). **21.40** МОСКВА.

Тошкент оқшоми 4 бет. 1 октябрь, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР. 3120 Р—14687.